# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 22 январь, № 14 (7244) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ:
# ЯНГИ МАЗМУН КАСБ ЭТГАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелнинг таклифига биноан 2019 йил 20 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер.**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркель.**

21 январь куни Берлин шаҳридаги Бельвю саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шавкат Мирзиёевни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари фахрий меҳмонлар китобига имзо қўйди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Германия давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Учрашувда Президентлар Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли соҳалардаги алоқаларни икки ва кўп томонлама асосда ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Томонлар бундан буён ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашда давом этажагини билдирди.

Президентлар Германия ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси асосида муносабатларни мустаҳкамлаш муҳимлигини қайд этди.

Бугунги кундаги хавф ва таҳдидлар, биринчи навбатда, терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишда янада яқин ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Афғонистонда тинчлик жараёнини тезроқ бошлаш бўйича ёндашувлар бир хил экани тасдиқланди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тубдан модернизация қилинаётган ҳозирги жараёнда Германиянинг илғор тажрибаси ва технологияларини жалб этиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар ҳам муҳокама қилинди. Мактаб таълимида самарали немис технологияларидан фойдаланиш, жумладан, “Мактаблар: келажак шериклари” (PASCH) ташаббусини амалга ошириш, Ўзбекистонда Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини очиш, халқларимиз ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш истиқболлари эътибор марказида бўлди.

Учрашув сўнгида Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер жорий йилнинг май ойида Ўзбекистонга ташриф билан боришини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг музокаралари олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ангела Меркель Ўзбекистон Президентининг ташрифи узоқ танаффусдан кейинги муҳим воқеа экани, икки томонлама ҳамкорлик ривожига катта туртки беришини таъкидлади.

— Биз Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлишни хоҳлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш учун кўплаб имкониятлар борлигини кўрмоқдамиз, — деди Германия канцлери.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган юксак ҳурмат учун чуқур миннатдорлик билдириб, немис халқини жорий йил май ойида нишонланадиган Германия Федератив Республикаси ташкил этилганининг 70 йиллиги билан табриклади.

Сўнгги йилларда алоқалар жадал ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётгани, сиёсий мулоқотлар фаоллашаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Германия Ўзбекистоннинг ишончли ва истиқболли шериги эканини, ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга интилишини алоҳида таъкидлади.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида янада яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор экани қайд этилди. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси асосида Европа Иттифоқи — Марказий Осиё йўналишида ҳамда Германия — Марказий Осиё форматида муносабатларни мустаҳкамлашда давом этишларини таъкидлади.

Бўлажак учрашувда замонавий таҳдид ва хатарлар, аввало, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши айтиб ўтилди. Афғонистонда тинчлик жараёнини тез фурсатда бошлаш ҳам кун тартибидаги муҳим масалалардан экани қайд этилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида конструктив мулоқот, шунингдек, давлат бошқаруви тизимининг шаффофлигига ҳамда коррупцияга тўлиқ барҳам берилишига эришиш мақсадида ҳамкорлик учун очиқ экани таъкидланди.

Томонлар инвестиция ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди. Ўзбекистон Президенти ташрифи арафасида ўтказилган бизнес форумида 8 миллиард евродан зиёд қийматдаги янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани, бошқа битимлар бўйича ишлар давом этаётгани маълум қилинди.

Шунингдек, немис тили чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар тармоғини кенгайтириш, Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан алоқаларни ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг учрашувида асосий эътибор савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик асосий масалалар бўйича позициялар ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди. Самарали мулоқотни икки ва кўп томонлама шаклда, жумладан, нуфузли халқаро тузилмалар доирасида изчил давом эттиришга интилиш муштарак экани тасдиқланди.

Германия канцлери Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида иқтисодиётни модернизация қилиш ва жамиятни янада демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитини яратиш, кўп йиллик баҳсли масалаларни тинчлик йўли билан ҳал этиш ва минтақани глобал иқтисодиётга интеграция қилиш бўйича янги минтақавий сиёсатини олқишлади.

Томонлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалаларини ҳам кўриб чиқди. Давлатимиз раҳбари Германия ҳукуматига Орол фожиаси оқибатларини бартараф этишдаги кўмаги учун миннатдорлик билдириб, Берлинни Оролбўйи учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди фаолиятида фаол иштирок этишга чақирди.

Мулоқотда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик масаласига, жумладан, Афғонистон муаммосини ҳисобга олган ҳолда эътибор қаратилди. Бу масалани барча томонлар иштирокида, афғонлар раҳбарлигида тинч йўл билан ҳал этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Германия Ўзбекистоннинг технология ва инвестициялар соҳасидаги асосий шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион евродан ошган.

Музокарада бу кўрсаткични 1 миллиард еврога етказиш учун барча имконият борлиги таъкидланиб, бу борадаги истиқболли йўналишлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда германиялик инвесторлар иштирокида 132 та фирма ва компания фаолият юритмоқда. Шундан 33 таси юз фоиз немис капитали асосида тузилган, 31 таси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Ўзбекистон ТИФ Миллий банки Германиянинг 57 та банки билан алоқа ўрнатган. Тошкентда “Дойчебанк” бўлими ташкил этилган.

Мамлакатимизда дунёга машҳур немис компаниялари билан амалга оширилган йирик лойиҳалар муваффақияти ўзаро манфаатли инвестициявий ҳамкорликка мисол бўла олади. “MAN” концерни билан шерикликда замонавий юк автомобиллари, “Claas” ва “Lemken” компаниялари билан қишлоқ хўжалиги техникалари, “Knauf” билан қурилиш материаллари, “Deutsche Kabel” билан кабель-ўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Германиялик мутахассислар иштирокида Қарши — Термиз темир йўли электрлаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Молиявий-техникавий ҳамкорлик борасида маслаҳатлашувлар, савдо ва инвестициялар, қишлоқ хўжалиги бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар мажлислари ўтказилмоқда.

Учрашувда савдо, саноат, газкимё, қурилиш соҳаларида ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, молиявий-техник кўмак ва тажриба алмашишни кенгайтиришга келишиб олинди.

Ташриф доирасида кимё, қурилиш, энергетика, металлургия ва озиқ-овқат соҳалари етакчилари — “Siemens”, “Tyssen Krupp”, “Claas”, “MAN”, “Knauf”, “Linde”, “Papenburg”, “Humana”, “Volkswagen” каби халқаро миқёсдаги немис концернлари билан шерикликда янги кўп миллиардлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, маданий алоқалар ва туристлар алмашувини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда 8 мингдан зиёд немис миллатига мансуб юртдошларимиз яшамоқда. Маданияти ва анъаналарини сақлаб, ривожлантириши учун барча шароит яратилган. 400 мингдан ортиқ ўқувчилар немис тилини ўрганмоқда. Яқинда Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги мактабларга буюк немис олим ва ёзувчилари номлари берилди.

Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар, Германия академик алмашинувлар хизмати (DAAD) ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Пойтахтимиз ва бир неча вилоятларда бўлимлари бўлган “Видергебурт” немис маданият маркази, “Ўзбекистон — Германия” дўстлик жамияти фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда Германия фуқаролари учун 30 кунгача визасиз режим жорий этилгани муҳим воқеа бўлди. Бу мамлакатимизни кўришга қизиқадиган туристлар, бизнесини йўлга қўядиган инвесторлар ва бошқаларга катта қулайлик яратди.

Ташриф доирасида иқтисодиёт, савдо, молия, таълим, илм-фан ва инновация соҳаларига оид ҳукуматлараро ва идоралараро 9 та ҳужжат имзоланди. Томонлар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилишини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Бундестаги Раиси Вольфганг Шойбле билан ҳам учрашди.

Бундестаг Германиянинг бир палатали парламенти бўлиб, қонунлар қабул қилишдан ташқари Федерал канцлерни сайлаш ҳамда ҳукумат фаолиятини назорат қилиш каби муҳим функцияларни ҳам бажаради.

Ўзбекистон ва Германия парламентлари ўртасида яхши алоқалар йўлга қўйилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бундестаг билан ҳамкорлик бўйича “Ўзбекистон — Германия” гуруҳи, Бундестагда эса “Германия Федератив Республикаси — Марказий Осиё” гуруҳи ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқларимиз манфаатини таъминлашда парламентлар муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Бундестаг Раиси мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида рўй бераётган ўзгаришларни юқори баҳолади.

Мулоқотда қонун устуворлигини таъминлаш, парламент назорати, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва бошқа соҳаларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича қабул қилинадиган “йўл харитаси”га асосан парламентлараро ҳамкорлик қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг Германияга расмий ташрифи барча даражадаги, жумладан, парламентлар ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб бергани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Бундестаг биносини кўздан кечирди. Мамлакатимиз делегациясига Бундестаг тарихи ва фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куннинг ўзида Мюнхен шаҳрига ташриф буюрди. Ўзбекистон делегацияси учун ажратилган қароргоҳ ёнида Баварияда ўқиётган, ишлаётган ўзбекистонлик ёшлар билан мулоқот қилди.

22 январь куни Бавария Бош вазири Маркус Зёдер, Германиянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга расмий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

ДУНЁ НИГОҲИ

# ГЕРМАНИЯ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА НИМАЛАР ЁЗМОҚДА?

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга расмий ташрифи қизғин давом этаётган айни пайтда ушбу мамлакат оммавий ахборот воситаларида юртимизда кечаётган янгиланишлар ҳақида туркум мақолалар берилмоқда.**

Хусусан, сиёсий доираларда катта нуфузга эга **"Der Tagesspiegel" газетаси**да "Ўзбекистон: тизимли ислоҳотлар йўлида" сарлавҳали мақола чоп этилди.

DER TAGESSPIEGEL

"Табиийки, демократия ва плюрализм бир кунда шаклланиб қолмайди, — деб ёзади немис журналистлари. — Аммо мамлакатда жиддий ва барча фуқаролар ҳаётига салмоқли таъсир кўрсатаётган ўзгаришлар кечаётгани аён. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг дастурий асоси Президент томонидан таклиф этилган Ўзбекистонни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегияси бўлиб қолмоқда. Ушбу ҳужжатда давлат органлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, инновацион компанияларни қўллаб-қувватлаш, диний ҳаёт устидан назоратни енгиллаштириш каби кўплаб муҳим чора-тадбирлар кўзда тутилган... Ўзбекистон судларида оқлов ҳукмларининг кўпайиши, қамалганлар миқдорининг камайиши республикада бошланган ўзгаришларнинг илк нишонаси бўлди".

Материалда давлатимизнинг янгиланган ташқи сиёсатига юқори баҳо берилган ҳолда, минтақавий ҳамкорлик ва очиқлик сиёсати унинг асосий тамойиллари сифатида кўрсатиб ўтилади. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтган йили Остонада Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг илк саммити ўтказилди. Ўзбекистон ташаббуси ва фаол саъй-ҳаракатлари натижасида Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси қабул қилиниб, бу ўзбек дипломатиясига бутун дунё ҳамжамиятининг эътибори қаратилишига сабаб бўлди. Афғонистондаги тинчлик жараёнларида ҳам ўзбек дипломатияси фаоллашиб, курашаётган томонлар билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлди. "Германия ушбу жараёнларни тўла қўллаб-қувватламоқда", дея таъкидланади мақолада.

"Der Tagesspiegel" газетасида босилиб чиққан яна бир мақола "Янги Ипак йўли" деб номланган.

"Илгари Ўзбекистонда ишлашда хориж ОАВ вакиллари кўплаб қийинчиликларга дуч келар эди. Бироқ эндиликда мамлакат ўзгармоқда. Журналистларга ҳам республикада эркин фаолият юритиш учун шарт-шароит яратилаётир. Мажбурий меҳнат ва қамоқларда қийноқлар тақиқланди", деб ёзади мухбирлар.

Шарҳловчиларнинг фикрича, янги даврда "Ўзбекистон ўзини янгидан кашф қилмоқда". Ҳар бир шаҳар ва вилоятда ўзгаришлар эпкини сезилаётир. Иқтисодий жабҳада ниҳоятда катта ютуқлар кузатилмоқда. Валюта соҳаси либераллашиб, тариф ва солиқлар камайтирилди, ёш тадбиркорлар учун кредитлар дастури ишга тушди. Натижада мамлакатда ишбилармонлар фаоллиги салмоқли даражада ошиб, кўплаб янги уй-жойлар, саноат объектлари, тижорат иншоотлари қурилиши давом этмоқда.

Ўзбекистонда кечаётган ижобий ўзгаришларни кузатиб бораётган Германия сўнгги йилларда ҳамкорликни ривожлантириш истагини билдирмоқда. Ушбу фикрнинг яққол тасдиғи сифатида журналистлар 2017 йили икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми 32 фоиз ортганини айтиб ўтади.

Die Presse

Ишбилармон доиралар нашри — **"Die Presse" газетаси**да эса Ўзбекистонда германиялик сайёҳлар ташриф буюриши учун барча шарт-шароит яратилгани таъкидланади.

"Туризм соҳаси Ўзбекистонда гуллаб-яшнамоқда. Биз сўров ўтказган барча экспертлар ушбу соҳа изчил суръатлар билан ўсаётганини тасдиқлашди. Баъзи сайёҳлик компанияларида бир йил мобайнида 30 фоиздан ортиқ ўсиш кузатилаётир... Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган очиқлик сиёсати мамлакатга сайёҳлар оқимининг кескин ортишига олиб келди".

2019 йилнинг 1 февралидан бошлаб 45 мамлакат фуқароларига 30 кунгача визасиз тартиб жорий қилинмоқда. "Die Presse" журналистлари Ўзбекистонга сафари таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Тошкент халқаро аэропортида жиддий ўзгаришлар амалга оширилгани, иммиграция ва божхона хизматлари енгиллаштирилгани, "яшил" ва "қизил" йўлаклар жорий қилинганини эътироф этади.

Миллий авиакомпания фаолиятининг такомиллаштирилиши, янги ҳаво, темир йўл ва автомобиль қатновлари йўлга қўйилиши мамлакатда кутилаётган ижобий маънодаги "туристик портлаш"га катта тайёргарлик кўрилаётганидан далолат беради. "Туризм бозорида ҳал қилувчи субъектга айланиш учун Ўзбекистонда энг муҳим омиллар мавжудки, булар гўзал меъморчилик, бетакрор таомлар ва меҳмондўст инсонлардир", дейилади мақолада.

**"Finanzen" газетаси**да ўқувчилар Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германияга расмий ташрифи дастури билан қисқача таништирилади.

Жумладан, Ўзбекистон етакчиси Берлинда Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер, Федерал канцлер Ангела Меркель ва Бундестаг Раиси Вольфганг Шойбле билан музокаралар ўтказиши алоҳида таъкидланади. Мюнхенда Ўзбекистон Президенти Бавария Бош вазири Маркус Зёдер ҳамда Германия етакчи ишбилармон ва молиявий доиралари вакиллари билан учрашувлар ўтказиши режалаштирилган.

finanzen.net

Музокараларда сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилиши кутилаётир, дея хабар қилинади газетада. Томонлар қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, маданий-гуманитар, фан-таълим ҳамда туризм соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш имкониятларини ҳам кўриб чиқадилар.

**"Ostexperte" журнали**да қатор немис компаниялари раҳбарлари билан интервьюлар уюштирилиб, тўпланган фикрларни умумлаштиргани ҳолда, "Германия бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши кескин ортгани" таъкидланади.

ostexperte.de

Журналда фикр билдирганлар сўнгги вақтда Ўзбекистонда инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш, мамлакат бозорига чиқиш, ваколатхона очиш бўйича сўровлар ниҳоятда кўп бўлаётганини эътироф этишади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган либерализация жараёни мамлакат иқтисодиётининг жозибадорлиги ортишига хизмат қилмоқда. "Германиянинг ўзида ҳам, немис компанияларининг хориждаги ваколатхоналари ҳам Ўзбекистон бозорига кириб бориш истагини билдирмоқда. Шубҳасиз, Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи немис тадбиркорларининг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқалари янада кенгайишига катта туртки беради".

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# ЖЎШҚИНЛИК ВА САМИМИЯТ НАФАСИ

**Ўтган ҳафтада жаҳон сиёсий майдонида рўй берган энг муҳим воқеалар қаторида Ҳиндистонда ўтказилган «Жўшқин Гужарат» IX саммити ва унда асосий меҳмон сифатида иштирок этган Ўзбекистон Президенти ҳамда унинг сўзлаган нутқини алоҳида тилга олиш мумкин.**

Vibrant GUJARAT 2019
18-20 Jan
Shaping a New India | 9th Global Summit

Халқаро экспертларнинг фикрича, Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган ғоя ва таклифлар ўз моҳиятига кўра глобал аҳамиятга эга. Нутқ нафақат саммит фаолияти, балки ҳамкор давлатлар интилишларига ҳам янгича руҳ бағишлади.

Чиндан ҳам, Марказий ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасида ишончли савдо ва транспорт коммуникацияларини яратиш истиқболда минтақада катта имкониятларни пайдо қилади. Шунингдек, АКТ, дастурий таъминот, қишлоқ хўжалиги, қайта тикланадиган энергия ҳамда ушбу соҳалар мутахассисларини тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ғоятда долзарбдир.

Халқаро анжуманда айтилган фикрлар, саммит доирасидаги тақдимотларда форум иштирокчилари мамлакатимизга катта қизиқиш билан қараётгани яққол намоён бўлди. Айниқса, Ҳиндистон ишбилармонлари Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит, жумладан, ишончли ҳуқуқий база ва инвесторлар учун тақдим этилаётган кафолат ҳамда имтиёзлар ҳақида тўлақонли тушунча ҳосил қилдилар. Буни уларнинг қуйидаги сўзларидан ҳам англаш мумкин.

**Малик Раис АҲМАД,**
**«Connect Group Companies» раҳбари:**



— Ўзбекистон Президентининг нутқи жуда таъсирчан бўлди. У мамлакатга сармоядорларни жалб этиш учун барча имкониятни яратиб бермоқда. Андижонда "Ўзбекистон — Ҳиндистон" минтақалараро бизнес форумини ўтказиш таклифи кўзда тутилаётган лойиҳаларни ҳаётга фаол татбиқ этишда яна бир муҳим қадам бўлиши муқаррар. Яқин вақт ичида юртингизда бизнес фаолиятимизни йўлга қўйишни режалаштирдик.

**Ражив ВАСТУПАЛ,**
**Ҳиндистон Савдо-саноат федерациясининг Гужарат штати консули:**



— Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги узоқ тарихга эга савдо муносабатлари бугун жадал ривожланаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Биз тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа йўналишларда жуда яхши бизнес алоқаларга эгамиз. Саммитда Ўзбекистон раҳбари сармоявий бизнесни тарғиб қилиш мавзуида мазмунли гапирди. Ўзбекистон логистика жиҳатидан ҳам, янги очиқ бозор сифатида ҳам бизга яқин мамлакат саналади. Бундан икки томон сармоядорлари унумли фойдаланиши, шубҳасиз.

**Давид РАСКУИНЯ,**
**Ҳиндистон Экспорт-импорт банки ижрочи директори:**



— Ўзбекистон билан бизнинг банкимиз ўртасида Ҳиндистон ҳукумати номидан келишув имзолашда иштирок этганимдан беҳад мамнунман. Мазкур шартномада 200 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилиши назарда тутилади. Бу сармоялар Ўзбекистонда рўёбга чиқариладиган ижтимоий лойиҳалар, хусусан, аҳоли эҳтиёжлари учун йўналтирилади. Бу биз биргаликда бошлаётган ишларнинг дебочасидир. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий банки билан ҳам кредит линиялари борасида музокаралар ўтказяпмиз. Ўйлайманки, дастлабки лойиҳамиз яқин вақт ичида амалиётга жорий этила бошлайди.

**Чандракант САЛУНКЕ,**
**Ҳиндистон кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш палатаси президенти:**



— Анжуманда Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон билан дипломатик алоқалар ва иқтисодий ҳамкорлик қандай ривожланиб бораётгани ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. "Жўшқин Гужарат" платформасида ҳинд ишбилармонлари билан мулоқот ўз самарасини беришига ишонамиз. Бу нутқ нафақат Ҳиндистон, балки дунё сармоядорлари билан яқин ҳамкорлик қилиш учун яхши имконият бўлди. Ўзбекистонда ҳинд сармоядорлари сони тобора кўпайиб бораётганидан Ҳиндистон ҳам манфаатдор.

**Вивеканандан ЧИАГАРАЖАН,**
**«Advance business communications development» компанияси вакили:**



— Ўзбекистонга тез-тез бориб тураман. Кейинги пайтда барча соҳадаги саъй-ҳаракатлар шиддати юксак. Натижада сармоя киритиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мен айнан шундай инвестиция компаниясида фаолият юритаман. Ҳиндистонда "Invest in Uzbekistan" лойиҳасига қизиқиш тобора ошиб бораётганини айтишим зарур. Яқин вақт ичида юртингизга йўналтириладиган маблағлар миқдори янада ортади.

**Вижай КУМАР,**
**«Varthamana» компанияси вакили:**



— Ўзбекистондаги янгиланишларни диққат билан кузатиб бораман. Мамлакатда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиётнинг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилияпти. Шу мақсадда яқинда юртингизда тиббиётнинг офтальмология йўналишида ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Биз ташхислаш, жарроҳлик ва лазер ускуналарини ишлаб чиқарамиз ва экспорт қиламиз.

Умуман айтганда, "Жўшқин Гужарат" форуми ҳамкор мамлакатлар ўртасида ўзаро тажриба, технология алмашиш, янги ҳамкорлар ва инвестициялар жалб этишнинг йўлларини топишда ўзига хос майдон вазифасини ўтади.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

*Германияда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси Абдулазиз Аккулов ва Мустақил сайёҳлик компаниялари иттифоқи ("Allianz Selbständiger Reiseunternehmer") президенти Йохен Сцех ўртасида учрашув бўлиб ўтди.*

# Туроператорлар юртимизга келади

Қўмита матбуот хизматидан хабар қилишларича, унда икки мамлакат ўртасида маданий, илмий, инвестициявий алоқаларни мустаҳкамлаш, айниқса, туризм соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинган.

Мустақил сайёҳлик компаниялари иттифоқи соҳадаги энг йирик тузилмалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда унинг таркибида 500 дан ортиқ компаниялар бор. Шундан 200 таси туроператор, яна шунчаси саёҳат агентлиги, 100 таси эса медиа ташкилотдир.

Шу боис юртимизда Германия давлати фуқаролари учун 30 кунгача визасиз режим жорий қилинганлигини иттифоқ президенти мамнуният билан таъкидлади. Туроператорларни Ўзбекистонга инфо-турга юбориш, сайёҳлик каталогларини Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ҳақидаги маълумотлар билан бойитиш, шунингдек, туризм индустриясидаги бошқа янгиликларни тақдим этиш мўлжалланмоқда.

Учрашув сўнгида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида туроператорлар ўртасида "B2B" форматида мулоқотлар ўтказиш, юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлик ташкилотлари рўйхатини шакллантириш ва бошқа ташкилий масалаларда келишувларга эришилган.

**Нодирбек ИБОДУЛЛАЕВ.**

# ОЛМОНИЯДА ЎЗБЕКИСТОННИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЧОРРАҲАСИДА ЖОЙЛАШГАН МАМЛАКАТ СИФАТИДА БИЛИШАДИ

*Германияда юртимиз ва халқимизга қизиқиш қай даражада? Немис тилини ўрганиш борасида мамлакатимизда қандай шароитлар яратилган?*

*Олмон — ўзбек илмий жамияти ҳамда Ўзбекистон немис тили ўқитувчилари ассоциацияси раиси, профессор Хуррам РАҲИМОВ бизга шулар ҳақида сўзлаб берди.*

## Бизнинг суҳбат

— Германияда Ўзбекистонни Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакат сифатида билишади, — дейди Х. Раҳимов. — Шу боис олмонлар халқимиз қадриятларига, тили ва маданияти, илм-фани, санъатига катта қизиқиш билан қарайди. Уларни ўрганишга, тадқиқ этишга интилади.

Жумладан, DAAD — Германия академик алмашинувлар хизмати, Конрад Аденауэр, Фридрих Эберт, Герда Ҳенкел, Александр Хумбольдт, Науман фондлари, Гёте институти ва бошқа немис ташкилотлари Ўзбекистон таълим тизими билан фаол ҳамкорлик қилиб келяпти.

Европанинг ушбу давлатида Хоразмий, Ибн Сино, Фарғоний, Мирзо Улуғбек авлодларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром шакллангани ни ҳам эътироф этмоқ жоиз. Ёшларимизнинг ушбу мамлакатга келиб таълим олиши, илмий фаолият билан шуғулланиши, тажрибасини бойитиши учун қулай шароитлар яратилган. Биргина DAAD деярли ҳар йили ўзбек талабалари, докторантлари ва илмий ходимларининг бу борадаги фаолияти учун бир миллион евро доирасида стипендиялар ажратади.

Германиянинг Фрайбург университети қошида тузилган DUWG — Олмон — ўзбек илмий жамияти ташаббуси билан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасига катта гуманитар ва консультатив ёрдам берилаётир. Мамлакатимизда муаммоли касалликларнинг консультацияси ва бундай хасталикларга чалинган беморларнинг Германияда даволанишига, шифокорларимизнинг ривожланган Европа давлати клиникаларида малакасини оширишга кўмаклашилмоқда. Шунингдек, ташкилот томонидан танқис дори-дармонлар инвестицияси амалга ошириляпти.

Ўзбек ва немис университетлари ўртасида кўплаб ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Академик айирбошлаш бўйича келишувларга мувофиқ, ўнлаб талабалар Германияда ўқиб келмоқда, ёш ўзбек олимлари немис университетларида докторлик диссертацияларини ёқлаб қайтяпти.

Немисзабон мамлакатлар ижодий уюшма ва фондлари ўзбек таржимонларини Ёҳан Волфганг Гёте, Ҳайнрих Ҳайне, Ҳерманн Ҳессе, Томас ва Ҳайнрих Маннлар, Франц Кафка, Стефан Цвайг, Арно Гайгер каби дунёга машҳур адиблар ижоди билан яқиндан таништириш ва уларнинг ижодий ишларини моддий рағбатлантиришда фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистонда ҳам немис тилини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар фаолият юритяпти. Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус таълим тизимида ҳам немис тили ўрганилаётир. Бугунги кунда Тошкентдаги Гёте институтининг тил курсларида тўрт мингдан ортиқ юртдошларимиз немис тилини ўрганяпти. Ушбу даргоҳда фойдаланувчилар немис адабиёти дурдоналарини, турли илмий ва бадиий китобларни, фильмларни, аудиотасмаларни ижарага олиши мумкин. Шунингдек, бу ерда дўстлар билан бирга фильмлар кўриш, немис тилида нашр этиладиган турли журнал ва газеталар мутолаа қилиш, интернетдан фойдаланиш, компьютерда тил ўргатишга мўлжалланган ҳар хил ўйинлар ўйнаш, баҳс-мунозара клубларини ташкил қилиш имконияти бор.

Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, мактабларида немис тилини ўқитиш янада кучайтирилса, айни муддао бўлар эди. Бу нафақат филология ва тилшунослик йўналишида, балки турли соҳаларда кадрлар тайёрлашда жорий этилиши керак. Масалан, юртимизга келаётган сайёҳларнинг катта қисми немисзабон мамлакатлардан, улар республикамизга янада салмоқли инвестиция киритиши мумкин. Саёҳатбонлар, гидларнинг олмон тилини пухта билиши уларнинг қадимий шаҳарларимиз, тарихий обидаларимиз, умуман, юртимизга қизиқишини ошириши табиий.

Шунингдек, олмон тилини пухта ўзлаштирган, тарихи ва маданиятидан яхши хабардор кадрлар Германия ва бошқа немисзабон мамлакатлар билан турли йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Дилшод КАРИМОВ ёзиб олди.**



*Тошкентдаги Гёте институти 20 йилдан ортиқ вақт давомида юртимизда немис тилини ўргатиш ва немис тили ўқитувчилари малакасини оширишда муҳим ўрин тутиб келяпти.*

## Қонун кучга кирди

# ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

*Ўтган ҳафтада Президентимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун имзоланди.*

*Мамлакатимизнинг халқаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш, хорижда яшаб меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш ҳамда зарур ҳолларда ёрдам кўрсатишга қаратилган мазкур ҳужжатда бир нечта янгиликлар бор.*

Аввало, консуллик округи ҳудудида вақтинча турган ёки доимий яшаётган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида консуллик муассасаси уларнинг ҳисобини юритади.

Қонун билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Консуллик уставӣ консуллик мансабдор шахслари ўз вақтида ҳар томонлама консуллик-ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш орқали чет элда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини мустаҳкамлаш юзасидан функциялари ҳамда ташкилий асосларини белгилаб берди.

Эндиликда консуллар одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатади. Уларда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда ёки фуқаролар яшаш учун маблағсиз қолганида, консуллик муассасалари кўмаклашади.

**Сайёра АБДИКАРИМОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ФАХРИЙ КОНСУЛЛАР КИМЛАР?

*Консуллик устави мамлакатимиз фуқаролари қаерда бўлмасин, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича хориждаги ватандошларимизга зарур консуллик ҳамда бошқа хизматларни кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси саналади. Ҳужжат билан уларнинг ўз Ватанига эркин келиб-кетиши, мамлакатимизни ривожлантиришда иштирок этиши бўйича шароитлар яхшиланганини алоҳида қайд этиш жоиз.*

Биргина "Фахрий консул" институтининг ўзи чет элдаги ватандошларимиз учун катта аҳамиятга эга. Фахрий консуллар хорижда ижтимоий мавқеи баланд, бошқаларга ибрат бўладиган шахсий фазилатларга эга, консуллик функцияларини аъло даражада бажара оладиган ходимлар орасидан сараланади. Ўзбекистон фуқароси ҳам, чет эл фуқароси ҳам Фахрий консул бўлиши мумкин.

У, аввало, ўзбекистонликлар ва мамлакатимизнинг юридик шахслари ҳуқуқларини чет элда ҳимоя қилади.

Фахрий консул чет элдаги ватандошларимизга ўз сайлов ҳуқуқларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг референдумларида иштирок этишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишда кўмаклашади.

Мазкур ҳужжат соҳада мавжуд бўлган бир қанча масалаларни бирлаштириш, ягона тўхтамга келиш ва қонунлардаги меъёрларнинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлайди. Шунингдек, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини хорижда ҳам муносиб ҳимоялашга хизмат қилади.

**Мирзааҳмад ШОЙИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ:
# РАҚАМЛАР КАТТА, МАҚСАДЛАР ЭСА ЯНАДА УЛКАН

*Бу йил мамлакатимиз ҳаётида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилиши кутилмоқда. Рўёбга чиқариладиган ҳар бир лойиҳа юрт тараққиёти, одамлар турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бундай улкан вазифалар Президентимизнинг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида ўз аксини топган.*

*Хўш, бир йил давомида қайси соҳаларда қандай ўзгаришлар бўлади-ю, одамлар ҳаётини яхшилашга оид қандай янгиликлар амалиётга жорий этилади?*

*Бу каби саволларнинг барчасига* ***5 та бўлим ва 274 та банддан иборат Дастур****дан батафсил жавоб олишимиз мумкин. Жорий йилги Давлат дастуридаги ишлар кўлами ҳам, ҳажми ҳам, ижро доираси ҳам ниҳоятда катта. Зеро, унга кўра, оз эмас, кўп эмас —* ***16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ доллари*** *ҳажмидаги ишлар амалга оширилиши мўлжалланяптики, бунинг самараси нафақат бир йилга, балки келгуси ишларимизга ҳам татийди.*

Дарҳақиқат, Дастурда қайд этилган вазифалар кенг қамровли. Шу ўринда улардан энг устуворларини санаб ўтсак. Булар — давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол инвестиция жалб этиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва ташқи сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги муҳим йўналишлар. Ўз навбатида, уларнинг ҳар бирида жуда кўп чора-тадбирлар қамраб олинган. Ресторан, кафе ва бошқа кўнгилочар масканларда хавфсизлик талабларини таъминлаш шарти билан тунги пайтда ишлаш тартибини белгилашдан тортиб, Солиқ кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш, валюта бозори фаолиятини янада эркинлаштириш, болаликдан ногиронлиги бўлган фарзандларнинг оналарига улар пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда ижтимоий нафақа тайинлаш, тиббиётда ишни “маблағ бино учун эмас, балки бемор учун” тамойили асосида йўлга қўйиш, энергетика ҳамда транспорт соҳаларида давлат сиёсатини амалга оширадиган вазирликлар ташкил этиш, ҳатто тарихий фильмлар олишгача бўлган юзлаб тадбирларни шулар сирасига киритиш мумкин. Муҳими, буларнинг барчаси кундалик ҳаётимизга дахлдор.

Давлат дастурида хорижий инвестицияларни жалб этиш, қулай сармоявий муҳит яратиш, ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришга оид тадбирлар самарадорлигини таъминлаш учун шахсан масъул бўлган Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахслари, вазирлик ва идоралар, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари алоҳида ҳудудларга бириктирилди. Яъни эндиликда ҳудудлар ривожида элчилар ҳам фаол бўлиши лозим.

Шу ўринда яна бир жиҳатни алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Давлат дастури умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилиб, унда аҳолидан тушган мулоҳазалар эътиборга олингани диққатга сазовордир.

*Дастур лойиҳаси муҳокамасида жами* ***4180 та*** *таклиф келиб тушган бўлса, шундан* ***340 дан*** *зиёд фуқароларнинг концептуал ва долзарб таклифларидан Давлат дастури лойиҳасини мазмунан такомиллаштиришда фойдаланилди.* ***30 га*** *яқин таклифлар асосида эса тегишли бандларга таҳририй ўзгартиришлар киритилди.*

Дастур эндигина қабул қилинди. Унинг моҳияти, ҳужжатдан ўрин олган вазифалар кўлами ва ижроси ҳақида ҳали йил давомида кўп сўз юритилади. Бу ҳақда навбатдаги мақолаларимизда фикр алмашамиз.

## Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш учун:

✓ давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган эзгу мақсад йўлидаги ишлар изчил давом эттирилади;

✓ давлат қарорларини қабул қилишда парламентнинг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилади;

✓ бу масалада парламент назоратини кучайтириш, қонунлар ижросини таъминлашда депутатлар, сенаторларнинг иштирокини фаоллаштириш зарурлиги кўрсатилган.

## Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш йўлида:

✓ Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тубдан такомиллаштирилади;

✓ Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида кодекс лойиҳаси;

✓ Халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

## Иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол инвестиция жалб этиш мақсадида:

✓ Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси ташкил этилади;

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тадбиркорлар ва хорижлик ватандошлар иштирокида Эксперт кенгаши тузилади;

✓ Бош вазир ҳар ойда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда инвестиция лойиҳалари ижросини муҳокама қилади;

✓ 2019 йилнинг 1 июнига қадар республика ҳудудларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати стратегияси ишлаб чиқилади;

✓ 1 июлгача устав капиталидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг улушлари сотилиши назарда тутилаётган стратегик аҳамиятга эга бўлмаган хўжалик жамиятлари ягона рўйхати шакллантирилади;

✓ Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) билан биргаликда Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компаниясига асос солинади;

✓ 1 мартдан эътиборан эса мамлакатимиз ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун 3 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда инвестиция киритган хорижий давлатлар фуқаролари, шу жумладан, таъсисчи ва иштирокчиларга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси соддалаштирилган тартибда 10 йил муддатга берилади.

## Шунингдек, Давлат дастури доирасида:

**— аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифати яхшиланиб, кўлами кенгайтирилади;**

— 2019 йилда иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Президент мактаблари ташкил этилади;

**— ўқувчилар учун замонавий мактаб дастури қабул қилинади;**

— Меҳрибонлик уйлари ҳамда ота-она қаровисиз қолганларнинг ҳуқуқини таъминлаш учун патронаж тизими кенгайтирилади;

**— аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш, маданият ва спорт соҳалари ривожини кўзлаб қатор чора-тадбирлар кўрилади;**

— вазирлик ва идораларнинг маданий марказлар билан ҳамкорлиги янада жипслаштирилади;

**— Миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг хорижий давлатлардаги ҳамкор ташкилотлар билан алоқалари мустаҳкамланади.**

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.**

## Қисқа сатрларда

**● Жорий йил май ойида мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси сайлови бўлиб ўтади. Андижонда ушбу муҳим тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган семинар уюштирилди. Унда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман, шаҳар кенгашлари раҳбарлари, мутахассислари, мутасадди ташкилотлар вакиллари қатнашди.**

● Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 26 декабрдаги қарори асосида Тошкент вилоятида фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортларини бериш бошланди.

Яқинда 64 нафар ҳамюртимизга биринчилардан бўлиб ана шундай паспортлар жамоатчилик иштирокида тантанали равишда топширилди.

**● “Фарғона анорчилик” агрофирмаси қошида “Фарғона анорчилик мактаби” фаолияти йўлга қўйилди.**

**Мактабнинг илк амалий семинарларида Кува ва Тошлоқ туманлари ҳамда Кувасой шаҳри миришкорлари иштирок этди.**

● Бухоро вилояти наркология диспансерининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шифохона 122 ўринга мўлжалланган.

**● Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Зарур жиҳоз ва техника воситалари билан таъминланган хизмат хоналари, мажлислар, спорт заллари, ошхона сингари қулайликларга эга бўлган замонавий иншоотни бунёд этишга 6,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.




*Орол муаммоси биосфера, аҳоли турмуш шароитлари ва генофондига таъсири қамрови туфайли глобал тус олмоқда. Бу ҳудудда дастур ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун бир неча миллиард доллар сарфланган бўлса-да, кутилган самарага эришилмади.*

### ТАБИАТ ВА БИЗ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қисқа муддатда аниқ ва тезкор ишлари билан жаҳон ҳамжамиятининг Орол муаммосига эътиборини қарата олди, уларнинг муносабатини, қўйингки, тафаккурини ўзгартирди. Энг муҳими, сўз ва иш бирлигининг яққол исботи сифатида кўрсатилган ташаббус ҳамда билдирилган таклифлар асосида бугун Оролбўйи ҳудудида ўрмонлар барпо этиш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.



Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Оролбўйида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим ва ўта долзарб саналади.

__Аввало,__ чўлланишнинг олдини олишга қаратилган саҳрога чидамли саксовул, қандим, черкез каби ўсимликлардан иборат ўрмонзорлар барпо этиш лозим. Айни пайтда бу ишга фаол киришилган. Бу орқали ҳудудда ўзига хос экотизим пайдо бўлиб, иқлим мўътадиллигига эришилади.

__Иккинчидан,__ чўл зонасида озуқабоп ҳисобланган чогон, терескан, боялич, қайроук каби ўсимликларни кўпайтириш керак. Бу билан эса чорвачиликни ривожлантириб, иш ўринларини яратишга эришиш мумкин.

__Учинчидан,__ иқлим ўзгариши шароитларида экологик ҳолатни юмшатишда, қолаверса, ҳудуднинг ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлаб қолишда тўқайзорлар муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, Оролбўйи ҳудудидаги тўқайзорларнинг 90 фоизидан ортиғи батамом йўқ бўлиб кетган. Сув ҳавзалари бўйида уларни тиклаш юзага келган муаммоларни бартараф этишнинг энг мақбул йўлидир.

__Тўртинчидан,__ сув ресурслари истеъмолининг 70 фоиздан зиёди қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келишини инобатга олиб, аграр секторда тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш талаб этилади. XXI асрнинг ўрталарига бориб, Амударё ва Сирдарё сув ресурслари 15 фоиз қисқариши баробарида, минтақа аҳолиси сони 90 миллиондан ортиши башорат қилинаётганлигини ҳисобга олсак, қишлоқ хўжалигида сув сарфини камайтиришга эришиш долзарб аҳамиятга эга. Боз устига, бу ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

__Бешинчидан,__ Оролбўйи атрофида кичик (локал) кўллар барпо этиш ҳам муҳим саналади. Чунки бу қум кўчишини пасайтиришга хизмат қилиши билан бир қаторда, балиқчиликни ривожлантириш имконини ҳам беради. Қолаверса, кичик сув ҳавзалари ҳудудда иқлим мўътадиллигини сақлашга ёрдам беради.

__Олтинчидан,__ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар йўқолиб кетиш арафасида турган тирик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолишда муҳим ўрин тутади. Шу боис Оролбўйида экотизим ҳолати бўйича доимий мониторинг тизимини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари асосида замонавий экологик индикаторларни ишлаб чиқиш зарурдир.

Юқорида қайд этилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун, назаримизда, мақсади Оролбўйидаги экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган инновацион ғоя ва технологиялар бўйича танлов ўтказиш ҳам ўзига хос қадам бўлади.

Албатта, эзгу мақсадлар йўлида амалга оширилаётган ишларда жамоатчиликнинг ташаббуси ҳам муҳим. Тан олиш керак, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлиги соҳасидаги вазифаларнинг кўлами ва миқёси, экологик ҳолатни соғломлаштириш, шу жумладан, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишда нафақат жаҳон ҳамжамиятининг кўмаги зарур, балки мамлакат миқёсида давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш талаб этилади.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда тўпланган тажрибалар асосида ташкил этилаётган янги — Ўзбекистон экологик партияси ҳам бу борадаги ишларда камарбаста бўлиши, шубҳасиз.

Энг муҳими, Оролбўйи аҳолиси ва атроф-муҳити учун салбий таъсирни юмшатиш, шунингдек, мамлакатнинг бошқа экологик ноқулай ҳудудларида табиий муҳитни соғломлаштиришга эришиш партиянинг дастурий мақсад ҳамда вазифалари этиб белгиланган.

Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигини таъминлаш борасидаги ишларимизни янада жонлантириш, инвестициялар жалб этиш, инновацион ёндашувлар, табиатни асраш, мамлакатимиз экологик барқарорлигини таъминлаш бўйича муҳим амалий қадамлар қўйилади. Бу борада Ҳаракатлар стратегияси ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган Давлат дастури муҳим пойдевор бўлади, албатта. Бу ишларнинг изчил ижроси, энг аввало, ўзимизга боғлиқ.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН 7 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

Хабар

***__I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:__***

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 21 ноябрдаги 2-мҳ-сон “Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

***2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3094. (2018 йил 4 декабрдан кучга кирди).***

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 3 декабрдаги 537-мҳ-сон “Диний ташкилотлар томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шаклини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

***2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3095. (2018 йил 4 декабрдан кучга кирди).***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02-01/13-68-сон “Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитиш, унинг малакасини ошириш, шунингдек божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини бериш, қайта расмийлаштириш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш) тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

***2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2814-1. (2018 йил 4 декабрдан кучга кирди).***

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 ноябрдаги 53-сон “Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга қўшимча киритиш ҳақида”ги буйруғи.

***2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-2. (2019 йил 7 мартдан кучга киради).***

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/12-сон “Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

***2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2379-3. (2019 йил 1 январдан кучга кирди).***

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/11-сон “Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

***2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-3. (2019 йил 1 январдан кучга кирди).***

7. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлигининг 2018 йил 30 октябрдаги 16, 30-сон “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

***2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3096. (2018 йил 6 декабрдан кучга кирди).***

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги 543-мҳ-сон “Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”-ги буйруғи.

***2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1584-2. (2019 йил 1 январдан кучга кирди).***

9. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 53-сон “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

***2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1523-4. (2018 йил 7 декабрдан кучга кирди).***

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги 545-мҳ-сон “Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги буйруғи.

***2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1933-1. (2018 йил 8 декабрдан кучга кирди).***

***__II. Давлат реестридан чиқарилди:__***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг “Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитиш, унинг малакасини ошириш, шунингдек божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини бериш, қайта расмийлаштириш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш), тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2814, 2016 йил 21 июль).

***Адлия вазирининг 2018 йил 3 декабрдаги 538-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 22 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 АҚШ доллари | 8378,18 | 1 Қувайт динори | 27650,76 | 1 Миср фунти | 469,63 |
| 1 евро | 9518,45 | 1 Малайзия ринггити | 2038,49 | 1 Австралия доллари | 6004,64 |
| 1 Россия рубли | 126,33 | 1 Хитой юани | 1236,36 | 1 Туркия лираси | 1572,69 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 10785,23 | 1 Сингапур доллари | 6167,23 | 1 СДР | 11672,48 |
| 1 Япония иенаси | 76,33 | 1 Швейцария франки | 8416,05 | 1 Канада доллари | 6319,82 |
| 1 Жанубий Корея вони | 7,45 | 1 БАА дирҳами | 2281,14 | 1 Украина гривнаси | 299,90 |
| | | | | 1 Польша злотийси | 2219,97 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# «ЎТКАН КУНЛАР» РОМАНИ ИЛК БОР ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

*Ушбу асарнинг китоб ҳолида Франциянинг “Nouveau Monde Editions” нашриётида чоп этилишига Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди ҳомийлик қилди. Пойтахтимизда ўтказилган тақдимотда маданият ва санъат соҳаси намояндалари, таниқли шоир-ёзувчилар, журналистлар, адабиёт ихлосмандлари ҳамда ёшлар қатнашди.*




## Янгилик

“Ўткан кунлар” — “Days gone by” романини британиялик адабиётшунос Кэрол Ермакова инглиз тилига ўгирди, Жули Уикенд таржима таҳрирчиси ҳисобланади. Китобнинг бадиий безакларини таниқли ўзбек рассоми Бобур Исмоилов ишлади.

“Ўткан кунлар” романи 1919 йилда ёзила бошланган. 1922 — 1925 йиллар оралиғида бобма-боб “Инқилоб” журналида чоп этилган. Асар ҳозиргача рус, турк, қозоқ, уйғур, туркман, тожик тилларига таржима қилинган, хусусан, “Тошкентлик ошиқлар” номи билан немис тилида чоп этилган.

Қарийб бир аср давомида халқимиз томонидан севиб мутолаа қилиб келинаётган мазкур романда миллий ўзликни англаш, илм-маърифатга интилиш, истиқлол учун кураш, ҳамжиҳатлик ғоялари илгари сурилган. Унда адиб тарихимизнинг “қора кунлари” — юртни мустамлака балосига гирифтор этган кейинги “хон замонлари” ҳақида сўз очиб, ўткан кунларнинг бу аянчли ҳақиқатидан халқни огоҳ этмоқчи бўлган.

Абдулла Қодирийнинг барча орзу-умидлари мустақиллик туфайли рўёбга чиқди. Биринчи Президентимиз томонидан адибнинг бу йўлдаги эзгу ва олижаноб хизматлари эътироф этилиб, у Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти, “Мустақиллик” ордени билан тақдирланди.

Қайд этилганидек, Қодирий “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” каби миллий руҳ билан суғорилган, инсоннинг ўзлигини англашга, маънавий даражасини юксалтиришга хизмат қиладиган асарлар ёзаркан, қандайдир рағбат ёки мукофот кутмаган, балки бунинг эвазига бир парча қўрғошин билан “сийланиши”ни ҳам англаган. Бироқ миллат тақдирига дахлдорлик ҳисси, Ватан ва виждони олдидаги бурчи уни жасорат кўрсатишга, халқ дарди, орзу-армонларини қаламга олишга ундаган. Унинг қалби бўлиб тўкилган асарлар бугун ҳар бир ўзбек хонадонида севиб ўқилиб, ардоқланади, десак, муболаға эмас. Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди ҳомийлигида “Ўткан кунлар” романининг инглиз тилида чоп этилиши бу бебаҳо асарнинг дунё адабиётига кириб боришига, шунинг баробарида, халқимиз менталитети, урф-одатлари, анъаналари жаҳон ичра тараннум этилишига хизмат қилади.

**Д. ЙЎЛДОШЕВ.**

# ҚУШНИНГ ҲАМ УЯСИ БУЗИЛМАСИН!

*Бир оиланинг ажралиб кетиши жамиятга қанчалик ижтимоий зарар етказади, фарзандлар руҳияти, маънавиятига қай даражада салбий таъсир ўтказади? Буни рақамлар билан ифодалаб бўлмайди.*

*Афсуски, бугунги кунда юртимизда шу каби салбий ҳолатлар ҳамон долзарблигича қоляпти. Шундай пайтда икки ўртада сарсон бўлаётган норасида гўдакларнинг мунгли нигоҳларини бир кўз олдингизга келтиринг... Жуда оғир, шундай эмасми?*

## Ташаббус



***Бухорода қисқа вақт ичида вилоят ҳокимлиги ва прокуратураси томонидан амалга оширилган хайрли ишлар туфайли 70 дан зиёд ёш оилалар ажралишининг олди олинди.***

Бинобарин, бузилиб кетиш арафасига келиб қолган оилаларни асраб қолиш, уларни тиклаш, мустаҳкамлаш, қўллаб-қувватлаш масаласига жамоатчилик томонидан жиддий эътибор қаратиляпти. Пировардида кўплаб ёш ота-оналар, келин-куёвлар нотўғри қарорларидан воз кечиб, янгитдан ҳаёт бошлашяпти, ўз хатоларини англаб, бахт аслида оилада эканлигини тушуниб етишмоқда. Шундай пайтда ҳам отаси, ҳам онасининг меҳрига қайтган фарзандларнинг бахтли қиёфаларини тасаввур қилинг. Жуда ёқимли, шундай эмасми?

Масалан, Бухоро вилоятида мана шундай воқеа Насибанинг ҳаётида юз берди. У турмуш ўртоғи ва қайнонаси билан тортишиб қолиб, уйдан чиқиб кетганди. Онасиникида яшаркан, ҳаловатини йўқотди. Эшик “тиқ” этса, юраги хаприқиб кетади. Уйидан эса биров тугул, эри ҳам сўроқлаб келмади. “Энди нима қиламан”, деб турганида бева опаси “Бунақанги эр билан яшагандан яшамаган яхши. Ажраш”, деб “доно” маслаҳат берди. Насиба ҳам оқибатини ўйламай, судга ариза ёзди. Буёқда эса беш яшар ўғли Абдуллажон “Дадамни соғиндим”, деб хархаша қилгани-қилган. Гўдакнинг кўнгли ҳамма нарсани сезади, дейишгани рост. Аслида, болада не гуноҳ?!

— Ҳақиқатан ҳам, боланинг гуноҳи нима, деган савол туғилади, — дея мулоҳаза юритади Бухоро вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси Ҳабиб Ҳамидов. — Ахир бир оиланинг ажрашуви оқибатида болалар тирик етим қолишади. Она ёки ота меҳрини кўрмай ўсишади. Қолаверса, оиладаги нотинчлик улар хотирасида тузатиб бўлмас даражада оғир асорат пайдо қилади. Носоғлом муҳитда тарбия топиш туфайли улар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилиши эҳтимоли юқори бўлади. Кўринадики, оилавий ажралишлардан жамиятга ҳам катта зиён етади.

Ана шуларни назарда тутган вилоят прокуратураси оилавий ажримлар ва уларнинг сабабларини чуқур ўрганишга киришди. Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида олиб борилган кузатувлардан маълум бўлишича, вилоятда ўрганиш даврига қадар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари орқали 176 нафар, фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари асосида 1134 нафар, умуман олганда, 1320 нафар эр-хотин ажрашган. Бу ўнлаб бегуноҳ болалар тирик етим қолишганини англатади, албатта.

Шундан келиб чиқиб, вилоят прокурорининг фармойиши билан Бухоро шаҳридаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида прокуратура ходимлари раҳбарлигида шаҳар ички ишлар бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази мутахассислари, маҳалла оқсоқоллари, имом-хатиблар, бандлик хизмати ходимлари ва намунали хонадонлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилди. Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судига никоҳни бекор қилишни сўраб мурожаат этган 255 оиланинг, маҳалла фуқаролар йиғинининг яраштирув комиссиясига ва ФҲДЁ органларига ажралиш ҳақида ариза ёзган 20 оиланинг рўйхати шакллантирилди. Ишчи гуруҳлари аъзолари жойларда бўлиб, шу оилаларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлар ўтказишди.

Ўрганишлардан аён бўлдики, ажримларга кўплаб ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёр эмаслиги, уларда оилани бошқариш кўникмаси шаклланмагани, ҳали рўзғорни моддий жиҳатдан таъминлаш имкони бўлмай туриб, оила қургани, фарзандлар тарбиясини ўз бурчи дея чуқур ҳис этмаслиги, қайнона ва келин ўртасидаги можаролар сабаб бўлаётгани аниқланди.

Ишчи гуруҳларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ажралиш ёқасида турган 49 та оила, шунингдек, маҳалла ва ФҲДЁ органларига мурожаат қилган жуфтликларнинг 20 дан зиёди яраштирилди. Оилаларга прокуратура ходимлари бириктирилди. Улар бир йил мобайнида шу оилаларнинг муаммоларини ҳал этишга яқиндан кўмаклашишади. “Оила жамият ва давлат ҳимоясида” дастури доирасида ярашган оилалар иштирокида байрамона тадбир ҳам ўтказилди. Ярашган оилаларга вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган микротўлқинли печлар совға қилинди.

— Яқиндагина ажралиш пайига тушган тўртта ёш оилани яраштиришга муваффақ бўлдик, — дейди Бухоро шаҳридаги Чорбахоса маҳалласи оқсоқоли, йиғин яраштириш комиссияси раиси Ҳусен Рустамов. — Кези келганда, қизини турмушга узатган оналарга “Фарзандингиз ўзга бир хонадонга келин бўлиб тушди. Қийинчиликлар учраши бор гап. Улар — ўткинчи. Муҳими, қизингизнинг ҳаётига ҳуда-беҳуда аралашманг”, деган бўлардик. Ўз навбатида, қайноналарга “Келинингизни ўз қизингиздек кўриб, яхшисини ошириб кўрсатинг, ёмонини яширинг”, десак, ўринлидир. Ахир қарс икки қўлдан чиқади.

...Юқорида икки ўт орасида қолган Насиба ва унинг жажжи фарзанди ҳақида сўз очгандик. Арзимас важлар туфайли ажралиш фикрига келган бу ёш оила ҳам ишчи гуруҳи аъзолари кўмагида яраштирилди. “Ёшлик қилиб, ажрашиб кетишимизга бир баҳя қолганди. Бизни яраштириб қўйган инсонларга раҳмат. Бу яхшиликни бир умр унутмаймиз”, дейди келин.

Дарвоқе, Насибанинг турмуш ўртоғи ишга жойлаштирилди. Рўзғорга барака кирди. Қудаларнинг ҳам энди кўнгиллари хотиржам. Ота-она бағрида яйраб ўсаётган Абдуллажонни айтмайсизми?! Бундай ижобий муҳит келажакда унинг оилапарвар инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада амалга оширилаётган ишлардан кўзланган яна бир мақсад ҳам шу — ёш авлод оиланинг қадрини билиб, унинг муқаддас эканини онгли равишда ҳис қилиб улғайсин. Катталарнинг хатоларидан хулоса чиқарсин.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИНТЕРНЕТГА ВАҚТ ТОПАСИЗ, МУТОЛААГА-ЧИ?



*Бадиий адабиётнинг инсон маънавий ҳаётидаги ўрни беқиёс. Ўтган аср бошида буюк шоиримиз Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон “Адабиёт чин маъноси ила ...ўткур юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладирғон, чанг ва тупроғлар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдирғон булоқ суви бўлғонликдан бизга ғоят керакдир”, деган сўзлари бугунги кунимиз учун ҳам долзарб.*

## Мушоҳада

Ана шу эзгу мақсад йўлида юртимизда ижод аҳлига алоҳида эътибор кўрсатилиб, китобхонлик, китоб маҳсулотларини нашр этиш ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Мутолаа маданиятини кучайтиришга қаратилган турли тадбирлар, адабиёт билимдонлари мусобақалари, викториналар, иншо танловлари ўтказиляпти.

Шунга қарамай, ҳозирги шиддатли замонда китоб ўқишга кетадиган вақтни тежаш, уни тезда моддий фойда келтирувчи фаолиятга сарфлаш мақсади, шунингдек, кино саноатининг ривожланиши, турли шаклдаги ранг-баранг маълумотларни жамлаган интернетнинг оммалашуви ёш авлодда мутолаа иштиёқининг пасайишига сабаб бўляпти.

Жумладан, айни пайтда мактаб битирувчиларининг бадиий асар борасидаги билимлари юзаки экани, аксарият ҳолларда адабиёт дарсликларидаги парчалардан нарига ўтмаслиги, шуни ҳам олий ўқув юртларига кириш тест синовларида савол тушиши мумкинлиги боис ўқишига кўз юмиб бўлмайди.

“Бадиий асарларни нима учун ўқимайсиз?” Олий ўқув юрти талабалари орасида бу борада сўров ўтказилганда, уларнинг аксарияти вақти йўқлигини ёки қизиқмаслигини айтишган.



Ўзимиз гувоҳ бўлган ҳолат: бўлажак иқтисодчи, тест синовларидан юқори балл тўплаб, грант асосида ўқишга қабул қилинган талаба аудиториядан ташқари бадиий адабиёт ўқиш топшириғини бажарар экан, огоҳлантирди: “Узр, устоз! Мен тез гапириб беришим керак, кейин унутишим мумкин. Миям керакли ахборотни олади, кераксизини эса чиқариб ташлайди!” Талабанинг бу далили қанчалик ғалати туюлмасин, афсуски, бадиий адабиётни кераксиз ахборот деб билувчи ана шундай ёшлар ҳам бор.

Ёки бошқа бир талабанинг иншосидаги қуйидаги фикрларга эътибор берайлик: “Бадиий адабиёт стратегияни шакллантирмайди, инсон хулқининг стратегияси, бу — тажриба, яъни ҳаётий тажрибадан олинади. Бадиий адабиёт эса бу — тўқима, дунёдаги тўқима қаҳрамонлар ҳаёти, шунинг учун кўп китоб ўқиган инсон ўзининг хаёлий дунёсида яшайди ва ҳақиқий реал ҳаётга мослаша олмайди”. Бундай скептик ёндашув ҳам адабиётга прагматикларча қараш, ундан фақат моддий, амалий фойда излаш, руҳий лаззат ҳамда маънавий озиқ олиш кўникмасини йўқотиш оқибатидир.

Хўш, ёш авлод энди сўз санъатидан бебаҳра қолиб кетадими?

Дарҳақиқат, ахборот технологиялари асрида билишга, фанларга бўлган муносабат ўзгарди. Мельбурн университети профессори Патрик Гриффин “XXI аср кўникмалари” ҳақида фикр билдирар экан, шундай дейди: “Анъанавий таълим ўқувчиларни қанчалик кўп билишларига қараб рағбатлантирган ва табиийки, ўқитиш билим тўплаш мақсадига йўналтирилган. Энди бу роботлаштириш ва рақамли технологиялар кўмагида автоматик равишда бажарилиши мумкин”.

Бу чуқур мантиққа асосланган фикрларга эътироз билдириш қийин. Чиндан ҳам, замонавий ёшлар ўзига зарур ахборотни сониялар ичида топиш имкониятига эга экан, нима учун у бундан фойдаланмаслиги керак?! Таълим муассасаларида ҳам бадиий асар ҳақида иншо ёзиш ёки реферат тайёрлаш лозим бўлса, интернетдан қисқа муддатда исталган маълумотни топиш мумкин. Бевосита асарни ўқиб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ, чунки ахборот технологиялари орқали унинг қисқача мазмуни билан танишиш имконияти яратилган. Компьютер соҳаси мутахассиси билан суҳбатлашганда, у ҳеч иккиланмасдан: “бу ижобий жараён, ҳозирги кунда сиз соатлаб, кунлаб қидирган маълумотларни техникадан моҳирона фойдаланишни билган XXI аср ёшлари 2-3 дақиқада топяпти”, деган эди.

Лекин адабиётнинг санъат эканлигини яна бир бор эслайлик. Ахир мусиқани эшитмай, суратни ёки ҳайкални кўрмасдан завқ ололмаганимиздек, бадиий асарни ҳам бор ҳолича ўқимасдан аниқ тасаввур ҳосил қила олмаймиз. Ҳатто маълум бир роман ёки қисса асосида суратга олинган фильмларни томоша қилганимизда ҳам ўша асарларни ўқиганимизда туядиган завқ, ҳаяжон ёки аламизтиробни ҳис этмаймиз. Мутолаа таассуротлари қалбга кўчади, билим ва дунёқарашни шакллантиради. Бадиий китоб ҳаётга тўғри қарашга, муаммоларга самарали ечим топишга ўргатади, фикр парвози учун эрк беради.

Бинобарин, юқорида иқтибос келтирилган олим сўзларининг давомини тинглайлик: “энди одамларга ахборотларни шунчаки тўплаш ва эслаб қолиш борасида эмас, уларга мустақил қўшимча қилиш ҳамда танқидий баҳолаш бўйича таълим бериш зарур”. Бу ўринда гап ижодий фикрлаш — креативлик устида боряпти. Ижодий тафаккур тарбияси учун эса адабиёт каби қудратли воситани топиш қийин.

Тарғибот ва ташвиқот — катта куч. Оммавий ахборот воситалари ҳамда тарғиб қилишнинг ранг-баранг воситалари орқали китобга, мутолаага меҳр уйғотишнинг имкони бор. Зеро, юқорида сўзлари эслатиб ўтилган маърифатпарвар шоиримиз ҳам “Эй, қардошлар! Адабиёт ўқуйлик. Адиблар етишдирайлук, “адабиёт кечалари” ясайлук. Руҳ, ҳис, туйғу, фикр, онг ва ўй олайлук, билайлук”, дея маънавий инқирозга қарши зарур чораларни кўришга даъват этган эди.

**Меҳрибон АБДУРАҲМОНОВА,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кафедра мудири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР







Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси, Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири, уюшма аъзоси

**Илҳом ЗОЙИРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 229 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.15 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6